

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НОРМАМАТОВА ДИЛФУЗА ТУРДИКУЛОВНА

ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА ИНТЕРРОГАТИВЛИК
КАТЕГОРИЯСИНИ ИФОДА ЭТИШНИНГ ВЕРБАЛ ВОСИТАЛАРИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Нормамадова Дилфуза Турдикуловна

Ўзбек ва инглиз тилларида интеррогативлик категориясини ифода
этишнинг вербал воситалари..... 3

Нормамадова Дилфуза Турдикуловна

Вербальные средства выражения категории интеррогативности в
узбекском и английском языках..... 23

Dilfuza Turdikulovna Normamatova

Verbal Means of Expressing the Interrogative Category in the Uzbek and
English Languages..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НОРМАМАТОВА ДИЛФУЗА ТУРДИКУЛОВНА

ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА ИНТЕРРОГАТИВЛИК
КАТЕГОРИЯСИНИ ИФОДА ЭТИШНИНГ ВЕРБАЛ ВОСИТАЛАРИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

Филолoга доктори (PhD) диссертацияси билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасида Филология ва тилшунослик бўлимида (www.uzfiling.org) рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат университетида баёжилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (реюме)) Илмий кенгашнинг веб-сайтида (www.uzfiling.org) ва «ZiyouNet» Аxbорот тaълим порталida (www.ziyounet.org) joylashtirilgan.

Илмий рахбар:	Джуманова Далбар Рахимова филология фанлари доктори, профессор
Расмий оponentлар:	Палуанова Халифа Дарибаева филология фанлари доктори, доцент Усеров Иброҳимжон Курбанович филология фанлари номзоди, доцент
Кўраш ташкилоти:	Жинна давлат педагогика институти

Диссертация кўраш Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети хузуридаги DSc.03/30.12.2019.FilPed.27/01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «12» 10.2022 соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтеса тумани, Кичик калъа йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс: (99871) 230-12-92; email: uzfu_info@mail.ru)

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Аxbорот-ресурс марказида танитиш мумкин (129 рақамли билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтеса тумани, Кичик калъа йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс (99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2022 йил «12» 10.2022 кунга тарқатилди.
(2022 йил «12» 10.2022 даги 129 рақамли реестр баёжилмаси).



Г.Х. Босиева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор

Х.Б. Самилова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
коғиб, филол.ф.д., доцент

Ж.А. Якубов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қўрашдаги Илмий семинар раиси, филол.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё мамлакатлари ўртасида халқаро ва иқтисодий алоқалар мустаҳкамланиб бораётган бир пайтда, чет тилида оғзаки ва ёзма мулоқот қила олиш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланмоқда. Чет тилини ўқитишнинг асосий вазифалари жамият ва давлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда белгилангани боис, уни ўқитишга ва ўрганишга мўлжалланган ҳар бир таълимий ва илмий иш ёки адабиёт жамият талабларига мос келмоғи керак. Зеро, тилшуносликда интеррогативлик категориясининг аҳамияти, тилнинг шакл ва мазмун томонларининг ўзаро узвий алоқасини таърифлаш ва анъанавий синтаксиснинг баҳсли масалаларини тизимли ўрганиш тобора долзарб масалага айланмоқда.

Жаҳон миқёсида лингвистика фани бўйича: тил аспектларининг анча мураккаб ва кўп қатламли тузилишини тиллар кесимида тизимли ўрганиш, гап таркибида иштирок этган интеррогатив воситалар назариясининг моҳиятини ёритишдаги семантик, лексик ва синтактик ёндашувларни бири-биридан фарқлаш, уларнинг тилда ифодаланиш усуллари, шунингдек, инглиз ва ўзбек тилларида сўроқ гапларнинг стилистик, фонетик ва семантик хусусиятларининг прагматик тамойилларини аниқлаш каби муаммоларни ҳал этиш масаласида кенг қўламли тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, интеррогативлик категориясининг алоҳида хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда лексик-грамматик қатламларда тадқиқ этиш долзарблик касб этади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган очиқлик сиёсати, дунё бозорига фаол кириб бораётгани барча соҳаларда халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Шу туфайли, барча соҳаларга дадил кириб бораётган янги авлод ва турли соҳа мутахассислари учун хорижий тилларни мукамал билиш ҳамда чет тилларни ўқитиш самарадорлигини оширишга катта аҳамият берилиб, хорижий тилларни мукамал ўрганиш ва ўргатишни кўзда тутган ҳолда фундаментал тадқиқот ишлари жадаллашмоқда. Таълим соҳасининг тараққиёт тамойилларига асосланган ҳолда «худудлар, тармоқлар ва таълим муассасаларининг хорижий тилларни ўзлаштирган мутахассисларга эҳтиёжларини таҳлил қилиш натижалари асосида талаб юқори бўлган хорижий тилларни ўқитишни ташкиллаштириш»¹га бўлган эътибор турли тизимли тилларнинг лингвистик хусусиятларини ўрганишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 11 июлдаги ПФ-5763-сон «Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. Lex.uz.

ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора - тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек, соҳага доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тилшунослиқда тил тизимининг турли сатҳларига оид бирликларнинг нутқий мулоқот муҳитларида шаклланишини ўрганиш, уларнинг синтактик-семантик ва прагматик кўрсаткичлари муносабати ва ўзаро боғлиқлиги бўйича қатор тадқиқотлар амалга оширилган.

Интеррогативлар ва уларни ташкил қилувчи лисоний воситаларнинг универсал ва фарқли жиҳатларини аниқлаш ҳамда турли системага оид тиллар билан синтактик ва семантик сатҳда қиёслаш вазифаси Ж. Гинзбург, М. Чангак ва Ҳ. Мориталарнинг тадқиқот ишларида кўриб чиқилган.

Ч. Мейр интеррогативликни ташкил этган вербал воситаларнинг грамматик ва лексик хусусиятларига эътибор қаратади. Ж. Р. Гинзбург эса, интеррогатив воситаларнинг грамматик ва лексик сатҳда шарқ ва ғарб халқлари тиллари кесимида қиёсий типологик жиҳатдан тадқиқ қилади.

Тилдан информатив мақсадда фойдаланишда саволлар семантикаси ва унга бериладиган жавоблар тушунчаси тадқиқи Ж. А. Гроененжик, М. Ж. Стоховлар ишларида ўз аксини топган.

Интеррогативлик категориясининг тадқиқи борасидаги кенг қўламли ишлардан бири В. Чишлом томонидан амалга оширилган бўлиб, ушбу тадқиқотда интеррогативларнинг грамматик хусусиятлари, уларнинг семантик ва прагматик қатламларда ўхшаш ва фарқли жиҳатларини қардош ва қардош бўлмаган тиллар кесимида қиёслаш каби масалалар ўз аксини топади. Интеррогативларнинг ушбу йўналишларда тадқиқ этилишининг давомини Ли́ла Саннинг тадқиқот ишларида ҳам учратишимиз мумкин².

² Jonathan G. Interrogative investigations. Form, meaning and use of English interrogatives. Language and information Stanford. – California: CSLI, 2009. – P. 5-7; M. Changak. A comparative study on speculation forms of interrogative sentences in Korean and Japanese // Acta Linguistica Asiatica. – 9 (2). – 2019. ISSN: 2232-3317, <http://revije.ff.uni-lj.si/ala/> DOI: 10.4312/ala.9.2. – P. 71-85; Morita H. The semantics of interrogative pronouns, existential(-like) quantifiers, and universal(-like) quantifiers in Japanese // Journal of Japanese Linguistics. DOI: 10.1515/jjl-2005-0104, 2005 – P. 4-10; Meyer Ch. F. Introducing English linguistics. – Cambridge, CUP. 2009. – P. 138. University of Massachusetts, – Boston, Ginzburg. J. R. Interrogative features. – A dissertation for the degree of PhD. – Arizona, Arizona University, 2009. – P. 71-82; Groenendijk A. Stokhof M. Studies on the

Рус тилшунослигида интеррогативлик категориясининг грамматик ва лексик хусусиятлари: А. М. Пешковский, А. И. Смирницкий, А. В. Логинов, В. Н. Жигадло, И. П. Крылова, Н. И. Жинкин каби тилшуносларнинг ишларида долзарб мавзулар қаторида ўрганилиб чиқилган бўлса, И.Г. Щепкина, Н. В. Гуроваларнинг ишларида интеррогативлар тиллар кесимида синтактик ва лексик жиҳатдан қиёсий типологик аспектда тадқиқ қилинган³.

Ўзбек тилшунослигида интеррогативлик категориясининг функционал-семантик ифодаси: А. Нурмонов, Н. Маҳмудов, А. Фуломов, М. Асқарова, М. Ирискулов, И. Суяров, Ғ. Абдурахмонов, У. Турсунов, А. Мухторов, Ш. Рахматуллаевларнинг ишларида чуқур ўрганилган⁴.

Т. Аллаёров ишларида ўзбек тилидаги сўроқ конструкцияларининг шеърӣ нутқда функционал-семантик хусусиятлари билан бирга, уларнинг нутқда оҳанг орқали бадиий санъат ҳосил қилиш имкониятларининг лингвопоэтик таҳлил тамойиллари кўриб чиқилган.

Интеррогатив гапларда сўроқ воситаларини турли мулоқот шароити орқали намоён бўлишида юзага келадиган прагматик кўпмаънолилиқ меъёрларини аниқлаш прагмалингвистик ишларида энг долзарб масалалар сифатида ўз аксини топган⁵. Бироқ, турли тизимга мансуб бўлган ўзбек ва инглиз тилларида гап таркибида интеррогативларни ташкил этувчи тил воситалари синтактик сатҳда морфологик ҳамда уларни синтаксемаларга ажратиш орқали қиёсий таҳлил қилинмаган.

Мазкур диссертация ишининг юқоридаги мавжуд тадқиқотлардан фарқи шундаки, интеррогативлик категориясини ташкил этувчи сўроқ компонентларини айнан қардош бўлмаган тиллар системаларига мансуб бўлган ўзбек ва инглиз тилларида ифода этилиши, хусусан, сўроқ компонентларининг тиллар кесимида қиёсий-типологик аспектдаги

semantics of questions and the pragmatics of answers. A dissertation for the degree of PhD. – Amsterdam University, 1984. Chislom W. Interrogativity. – Amsterdam, 1984; Lila. S. Evidentiality and interrogativity. www.sciencedirect.com

³ Пешковский А. М. Русский синтаксис в научном освещении. – М.: Языки славянской культуры, 2001. – С. 153-159; Смирницкий А. И. Морфология английского языка. – М.: Изд-во литературы на иностранных языках, 1959. – С. 177-179; Логинов А. В. Категория интеррогативности в современном русском языке: Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2015. – 36 с.; Жигадло В. Н. Современный английский язык. – М.: Изд-во литературы на иностранных языках, 1956. – С. 50-58; Крылова И. П. Грамматика современного английского языка. – М.: Высшая школа, 2003. – С. 190-195; Жинкин Н. И. Вопрос и вопросительное предложение // Вопросы языкознания. – 1955. – № 3. – С. 22-23; Щепкина И. Г. Категория интеррогативности в немецком и русском языках: Дисс. ... канд. филол. наук. – Краснодар, 2001; Гурева Н. В. Местоименные вопросительные предложения в английском и испанском языках: Дисс. ... канд. филол. наук. – Пятигорск, 2005. – С. 149-156;

⁴Нурмонов А., Маҳмудов Н. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б. 13-15; Фуломов А. Ғ., Асқарова М. А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1965. – Б. 24-58.; Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 88-89; Суяров И. Местоимение в узбекском литературном языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Самарканд, 1965. – С. 5-12; Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 14 б.; Турсунов У. Мухторов А. Рахматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – Б. 301-303.

⁵Аллаёров Т.Р. Ўзбек тилидаги буйруқ ва сўроқ конструкцияларининг лингвопоэтик хусусиятлари: Филол. фан. номз. дисс. ... автореф. – Гулистон, 2020. – 11 б.; Жуманов В. И. Турғун шаклдаги сўроқ гапларнинг мулоқот матнида қўлланилиши: Филол. фан. номз. дисс. ... автореф. – Самарканд, 2021. – 11 б.; Қосимова Н.Ф. Лисоний белги асимметрияси ва унинг сўроқ гап таржимасида воқеланиши: Филол. фан. бўйича фалсафа доктори дисс. ... автореф. – Т., 2018. – 47 б.; Хайназарова М. Сўроқ гапларда шакл ва мазмун номувофиқлиги: Филол. фан. номзоди. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – 26 б.

лингвистик хусусиятлари, уларнинг прагматик, лексик ва морфологик сатҳда ифодаланишининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, дифференциал синтактик белгилари ҳамда интеррогатив синтаксемаларнинг семантик майдонида ифодаланувчи нокатегориал дифференциал синтактик-семантик белгиларини аниқлаш масалалари ўрганилмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация Гулистон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Инглиз тилини ўрганишда қиёсий тилшунослик ва таржимашуносликнинг долзарб муаммолари» мавзуси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек ва инглиз тилларида интеррогативлик категориясини ифодаловчи вербализаторларнинг морфологик, лексик, синтактик-семантик хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзбек ва инглиз тилларидаги сўроқ гаплар таркибида интеррогативлик категориясининг прагматик ҳамда функционал семантик сатҳда ўзига хос жиҳатларини аниқлаш;

ўзбек ва инглиз тилларида сўроқ гап қурилмасидаги интеррогатив воситаларининг қиёсий лингвистик аспектда лексик ва грамматик хусусиятларининг универсал ва дифференциал жиҳатларини очиб бериш;

ўзбек ва инглиз тилларида интеррогатив вербализаторларининг сўроқ гапда бошқа компонентлар билан синтактик алоқаларини аниқлаш ва уларни юнкцион ва компонент моделлар ёрдамида ифодалаш;

ўзбек ва инглиз тилларида интеррогатив вербализаторларнинг семантик майдонида дифференциал категориал ва нокатегориал семантик белгиларни аниқлаш ва ушбу белгиларнинг синтаксем таркибини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек ва инглиз тилларидаги интеррогативлар иштирок этган сўроқ гап қурилмалари танланган.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек ва инглиз тилларидаги интеррогативлик категориясини ташкил этувчи воситаларнинг қиёсий-типологик аспектдаги лингвистик жиҳатлари, хусусан, морфологик, лексик, синтактик ва функционал-семантик хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий-типологик, дистрибутив, трансформацион, компонент ва синтаксем таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қиёсланаётган тилларда интеррогативлик парадигмаларининг прагматик ва функционал - семантик хусусиятларини аниқлаш орқали мулоқот жараёнида юзага келадиган имплицатура ва коммуникатив интенция прагматик аспектларининг ўзаро боғлиқлиги нутқий актлар асосида очиб берилган;

интеррогативлик категориясини ифода этувчи вербал воситаларнинг лексик сатҳда инглиз тилида омоним, ўзбек тилида синонимик характерда дифференциал, грамматик сатҳда эса тиллар кесимида гап таркибидаги

сўзларнинг бир-бирига бўлган синтактик алоқалари универсал хусусиятларга эга эканлиги асосланган;

Ўзбек ва инглиз тилларидаги сўроқ гап қурилмаларида сўроқ олмошларининг гапдаги вазифасини белгилаш орқали интеррогатив воситаларнинг бошқа компонентлар билан синтактик алоқалари юнкцион модель ёрдамида аниқланган;

сўроқ гап таркибида иштирок этган сўроқ вербализаторларининг синтактик-семантик сатҳда субстанциал ва квалификатив каби категориал ва агентив, объектив, идентификатив, локатив, темпорал, квантитатив каби нокатегориал белгиларга эга эканлиги трансформация методи асосида далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбек ва инглиз тилларида интеррогативлик категориясини ифода этувчи вербал воситаларнинг прагматик, грамматик ва лексик, интеграл ва дифференциал хусусиятлари аниқланган;

Ўзбек ва инглиз тилларида гапларнинг синтактик таҳлилига янгича ёндашув орқали гапдаги синтактик бирликларнинг ўзаро алоқалари (ядро предикатив, ядро бўлмаган предикатив, субординатив, координатив, аппозитив) аниқланиб, сўроқ олмошларининг гапдаги ўрни юнкцион моделлар асосида изоҳланган;

таркибида сўроқ олмошлари ифодаланган гапларни компонентларга ажратиб таҳлил қилиш асосида уларнинг дифференциал синтактик белгилари аниқланган ва интеррогатив синтаксема базасида ифодаланувчи нокатегориал дифференциал синтактик-семантик белгилар таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги чиқарилган илмий хулосаларнинг чоғиштирма, дистрибутив, трансформацион, компонент ва синтаксем таҳлил методлари билан асослангани, назарий хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани ҳамда олинган натижаларнинг тегишли ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти турли системага мансуб тиллар гап қурилмаларидаги сўроқ сўзларнинг систем муносабатлари қиёсий-типологик жиҳатдан таҳлили, сўроқ сўзларининг синтаксем таркиби, уларнинг гап таркибида дифференциал синтактик бирликлар алоқаси ва семантикаси, синтактик типология ва синтактик сатҳдаги семантик майдон каби масалаларнинг илмий-назарий жиҳатдан ёритилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сўроқ вербализаторлари иштирок этган сўроқ гапларни лингвистик методлар асосида таҳлил қилиш натижаларидан бакалавриат талабаларига «Назарий ва амалий қиёсий грамматика», магистрантларга «Лингвотипология», «Структуравий тизимли лингвистика», «Таржима назарияси ва амалиёти», «Синтактик семантика» каби фанлардан махсус курс ва семинар машғулотида ҳамда мазкур соҳалар бўйича ўқув ва методик қўлланмалар, дарсликлар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек ва инглиз тилларида сўроқ гап қурилмаларида интеррогативлик категориясини тадқиқ этиш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

Ўзбек ва инглиз тилларида интеррогативлик категориясини ифода этувчи вербал воситаларнинг морфологик, грамматик ва лексик сатҳдаги интеграл ва дифференциал хусусиятларига оид материалларидан Гулистон давлат университети ва АҚШнинг Арканзас университетидаги Arkansas Spring International Language Center билан ҳамкорликда амалга оширилган “English language capacity building project” («Инглиз тили салоҳиятини ошириш лойиҳаси») мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган (Гулистон давлат университетининг 2021 йил 25 ноябрдаги 01-04-150/150 рақамли маълумотномаси). Натижада ГулДУнинг инглиз тили йўналиши талабалари учун «Назарий грамматика» ва «Қиёсий тилшунослик» фанлари бўйича методик материалнинг мазмунан бойишига хизмат қилган;

Ўзбек ва инглиз тилларидаги сўроқ гап қурилмаларида интеррогативлик категориясининг аҳамияти, тилнинг шакл ва мазмун томонларининг ўзаро узвий алоқасини таърифлаш ва анъанавий синтаксисга оид илмий-амалий таклиф ва тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг Ўзбекистон Республикасида 2021 йилда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтаришга доир кўшимча чора-тадбирлар дастурининг V. Узлуксиз маънавий тарбия йўналиши 45-банди: «Болалар ва ўсмирларни маънавий тарбиялашда дунёдаги мамлакатларнинг миллий тарбия борасидаги илғор ютуқларини ўрганиш, халқаро илмий алоқаларни йўлга қўйиш, тажриба алмашиш, халқаро конференциялар ўтказиш, илмий-методик адабиётлар, рисоалар чоп этиш» мавзуида ўтказилган тарғибот ишларини амалга оширишда фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 28 декабрдаги 02/02/1772-рақамли маълумотномаси). Натижада, Республика Маънавият ва маърифат марказининг тарғибот ишлари дастури мазмунан бойитилган;

сўроқ гап таркибида иштирок этган сўроқ вербализаторларининг синтактик-семантик характердаги категориал ва нокатегориал белгиларга эга эканлиги трансформация методи асосида далилланганига оид илмий хулосалардан Ўзбекистон миллий университети муассислигида ташкил этилган «Истикбол» нодавлат ноижорат ташкилотида бажарилган 04-сонли «Олий таълим тизимида ногиронлиги бор талабалар учун «тўсиқсиз муҳит»ни шакллантириш методикасини яратиш» ижтимоий лойиҳаси доирасида фойдаланилган («Истикбол» нодавлат ноижорат ташкилотининг 2021 йил 20 декабрдаги 01/09 рақамли маълумотномаси). Натижада, лойиҳа доирасидаги дастур ва ишланмаларнинг такомиллашувига эришилган;

Ўзбек ва инглиз тилларидаги сўроқ гап қурилмаларида сўроқ олмошларининг гапда бажарган вазифаси, шу асосда интеррогатив бирликларнинг гапдаги бошқа компонентлар билан синтактик алоқалари юнкцион модель ёрдамида аниқланганлигига оид илмий натижалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими

Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган ФА-Ф1-005 «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослигини тадқиқ этиш» мавзуидаги фундаментал лойиҳа доирасида фойдаланилган (Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2022 йил 17 январдаги 18/1 рақамли маълумотномаси). Натижада, лойиҳа доирасида олиб борилган илмий ишлар самарадорлигининг ошишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 21 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 10 та мақола, шундан 4 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, асосий матн 168 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тилшуносликда интеррогативлик категориясининг назарий жиҳатдан ўрганилиш асослари**» деб номланган биринчи бобида нутқ коммуникациясининг фаол элементи ҳисобланган интеррогативликка берилган таърифлар атрофича таҳлил қилинган, «савол» ва «сўроқ» терминлари ҳақидаги фикрлар ёритилиб, жаҳон тилшунослигида сўроқ гапларни таснифлаш бўйича олиб борилган ишлар тадқиқ қилинган.

Тилшуносликда интеррогативлик категориясини ифодалашда аввало, «савол» ва «сўроқ» тушунчалари маънодош ёки маънодош эмаслигини аниқлаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Бинобарин, «савол» ва «сўроқ гап» терминологияси бир-бирига ўхшаса-да, улар синоним сифатида ишлатилмайди ва тўлиқ ўхшашликка эга эмас. Н. В. Гурова: «Савол – тингловчининг сўзловчига номаълум бўлган ёки сўзловчи томонидан тушунтирилиши лозим бўлган нарсаларни талаб қилишга ундаш ҳақидаги баёнотдир»⁶, деб таъриф беради.

⁶Гурова Н.В. Местоименные вопросительные предложения в английском и испанском языках. – Пятигорск.

Н. И. Жинкин биринчилардан бўлиб, савол ва сўроқни икки хил категория эканлигини кўрсатиб, савол – бу нутқ ҳаракатининг мулоқотда ифодаланишининг бир тури, сўроқ гап эса – бу фикрлар инъикоси деб атайди⁷.

Кўринадики, «савол» ва «сўроқ» гап бир хил тушунчалар эмас, савол фикрда пайдо бўлувчи мантиқий шакл бўлиб, ўз ифодасини сўроқ вербализаторлари орқали сўроқ гапларда топади. Бошқача айтганда, интеррогативлар иштирок этган гаплар – бу фикрлаш ва мулоқотнинг махсус шакли сифатида саволларни ифодалаш ва моддийлаштириш учун яратилган махсус лисоний тузилишдир.

Ҳар бир халқ ўзига хос алоқа узатувчи тил тизимини яратар экан, ушбу тил тизими халқларнинг лингвистик маданият дунёсини белгилаб олиши ва борлиқни тўла идрок эта олиши учун вербал восита сифатида хизмат қилади. Коммуникация жараёнида вербал воситаларнинг фаол иштирокчилари эса, сўроқ сўзлардир. Тилшуносликда биз синтактик-семантик белгисига кўра, улар (сўроқ сўзлар)ни интеррогативлар деб атаймиз⁸.

Тадқиқотда В. В. Виноградов, Н. И. Жинкин, Н. А. Кобрин, Т. Р. Аллаёров, М. Нурмонов ва бошқа олимларнинг фикрига кўшилган ҳолда интеррогативлик категориясига доир ўз фикримизни билдириб ўтаемиз. Демак, интеррогативлик маркерини билдирувчи ҳодиса – савол фалсафий, психологик, мантиқий лингвистик категория бўлиб, сўроқ гапларни ташкил қилувчи ҳамда интеррогатив вербализаторлар орқали амалга оширилувчи мураккаб ва кўпқиррали ҳодисадир.

Таъкидлаб ўтганимиздек, саволнинг расмий талқини интеррогатив гаплар бўлса, саволларни акс эттириш учун интеррогатив вербализаторларнинг нутқдаги лингвистик иштироки фаолдир. Шунинг учун тилшунослик соҳасида интеррогативлар (саволлар) ифодаси деярли барча соҳаларнинг доимо диққат марказида бўлиб келади.

Юқорида биз тилшунослик соҳасида саволлар ва сўроқ гаплар ҳақида турли хил ёндашувлар мавжуд эканлигини айтиб ўтдик. Хусусан, ҳар бир бериладиган бирликларнинг мезони уларнинг шакли (тузилиши), семантикаси (маъноси) ёки прагматикаси (функцияси)га асосланади. Айрим ҳолатларда муаллифларнинг сўроқ гапларни ифода этиш жараёнида қўлланилувчи вербал воситаларнинг юқорида айтилган мезонларида чалкашлик ёки бир-биридан устунлик даражаси кузатилиши ҳам мумкин. Шу туфайли, кўпинча, тилшуносликда интеррогативлик категориясини таснифлаш ва уларнинг мезонларини йўлга қўйиш баҳс-мунозаралидир.

Сўроқ гапларнинг мазмунли хусусиятларини ҳисобга олиш тилшуносларга сўроқ гап таснифига турли позициядан ёндашиш имконини беради. Шу сабабли тилшуносликда интеррогативларни таснифлаш борасида олимларнинг турли қарашларини кузатамиз.

[Электронный ресурс]: Дисс. ... канд. филол. наук. – М.: РГБ, 2005. – 86 с.

⁷ Жинкин Н. И. Вопрос и вопросительное предложение. // «Вопросы языкознания». № 3, 1955. – С. 22-23.

⁸ Мухин А. М. Функциональный анализ синтаксических элементов. – Ленинград: Наука, 1964. – С. 222.

И. И. Прибыток сўроқ гапларни монопредикатив тузилмалар қаторига киритади ва сўроқ гапларда предикатив қисмларнинг жойлашувини маълум мезонларга асосан белгилайди, яъни гап таркибида ёрдамчи феъл эгадан олдин ва маълум мазмунга эга бўлган мустақил феъл эгадан кейин жойлашув тузилмасини интеррогативликнинг турғун ҳолати деб таъкидлайди. Муаллиф ўзининг “Репрезентанты предложений в английском языке” деб номланган илмий асарида сўроқ гап структурасида эгадан кейин мустақил маънога эга бўлган феълларнинг тушириб қолдирилиш ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида ҳам айрим хулосаларини айтиб ўтади, масалан: *On Wednesday we'll go. – Won't we? (Theodore Dreiser. Sister Carrie, 142).*

Ушбу гап сўзловчининг мақсадига кўра, турли оҳанглар ёрдамида тўрт турдаги монопредикативликни ҳам билдириши мумкин. Ҳар тўрт турдаги монопредикатив гаплар (Declarative, Interrogative, Imperative, Exclamative), кўпинча, ўзаро алмашилиб, сўроқ, дарак, ҳис-ҳаяжон ва буйруқ вазифаларини ҳам бажаради, яъни сўроқ гап савол беради, тасдиқлайди, талаб ва ҳиссиётларни билдиради.

Бу ҳақда М.Я. Блох «Дарак ва сўроқ гаплар орасида гаплар бир-бирига мувофиқ ҳолда даракни билдирувчи сўроқ гаплар ва сўроқни билдирувчи дарак гапларга ажратилади (гапнинг шакл белгиси эса, тузилган терминлар орасида биринчи компонент сифатида акс этади)» деган фикрни илгари суради, масалан: *“What's out there?” He asked secretly irritated. (Theodore Dreiser. Sister Carrie, 147).*

Ушбу сўроқли жумлада сўроқ мазмуни тўғридан-тўғри маломатни ифодаловчи репликадир⁹.

Шунингдек, кўпгина тилшунослар сўроқ гаплар тузишда интонация (оҳанг) «энг кучли» восита эканлигини ва гап структурасида интонация ҳукмрон эканлигини ва биргина интонация ёрдамида дарак гапдан сўроқ гап ҳосил бўлишини таъкидлашади. И. П. Иванова, В. В. Бурлакова, Г. Г. Почепцов каби тилшунослар сўроқ гапларнинг маъно-мазмуни ва уларнинг анъанавий ясалиш қоида, мезонларига асосан, икки турга ажратадилар: умумий сўроқ гаплар ва махсус сўроқ гаплар. Уларнинг ҳар бирида эса, муқобил (танлов) ва муқобил бўлмаган (нотанлов) ва эллиптик турлари ажратиб кўрсатилади.

Н. А. Кобрина, Е. А. Корнеевалар ўз тадқиқотларида интеррогатив гаплар ҳақида батафсил тушунчалар бериб ўтар экан, «интеррогатив гапларнинг сўроқ вербализаторлари орқали таркиб топиши ва уларнинг коммуникатив вазифаси номаълум воқеа-ҳодиса ҳақида маълумот олиш¹⁰ эканлигини таъкидлашади. Улар интеррогатив гапларни таснифлашда, асосан, икки гуруҳга ажратишади: 1. Умумий сўроқ гап. 2. Прономинал сўроқ гап. Бу икки сўроқ гап тури бир неча структуравий ҳамда коммуникатив модификацияларга эга бўлиб, бошқа сўроқ гапларни ҳам ўз таркибларида

⁹ Блох М.Я. Теоретические основы грамматики: исправленное. – М.: Высшая школа, 2002. – 160 с.

¹⁰Кобрина Н.А., Корнеева Е.А. Грамматика английского языка. – Санкт-Петербург: Союз, 1965. – С. 212-217.

мужассам эта олади. Улар, асосан, мулоқотнинг суҳбат шаклида ташкил этилади, баъзан монологик нутқ турида ҳам учраши мумкин.

Бундай прагматик жавобларга мувофиқ ҳолда, бир қатор тилшунослар куйида б турдаги сўроқ гапларни таклиф қилишади: (Polar questions, Alternative questions, Variable questions, Direction questions, Biased questions, Echo questions) кутбли сўроқ гаплар, муқобил (танлов) сўроқ гаплар, ўзгариб турувчи сўроқ гаплар, йўналишли сўроқ гаплар, ҳис-ҳаяжонли сўроқ гаплар¹¹.

Е.В. Угарова анъанавий инглиз тилида бир қатор олимларнинг фикрига таяниб, интеррогативлик категориясини сўроқ вербализаторлари асосида тўрт турга бўлиб ўрганишни таклиф қилади, булар:

- 1) умумий сўроқ гап (General Question ёки Yes-No Question);
- 2) танлов сўроқ гап (Alternative Question);
- 3) тасдиқ сўроқ гап (Disjunctive Question ёки Tag-question ёки Tail-question);
- 4) махсус сўроқ гап (Special Question ёки Wh-question)¹².

М. Я. Блох ҳам сўроқ гапларни коммуникатив мақсад асосида эмас, уларга бериладиган жавоблар ва хулосалар асосида таснифлайди. М. Я. Блох савол-жавоб муносабатларини учта турга ажратиб, уларни 1) доимо саволга оғзаки жавоб бериш муносабат тури; 2) мунтазам равишда жавобни талаб қилувчи муносабатлар тури; 3) нутқ ва муҳокама жараёнида доимий диққат-эътиборни тортувчи савол муносабат тури деб атайди¹³.

Ж. Бўронов ҳозирги замон инглиз тилидаги гапларни мақсадига кўра уч турга бўлинишини тасдиқлаб, сўроқ гапларнинг ифодаланишини сўроқ олмошлари ва сўроқ равишлари ёрдамида, инверсия ёрдами билан ва фақат интонация (оҳанг) ёрдамида амалга оширилишини кўрсатиб ўтади. У сўроқ гапларнинг моҳияти ва сўзловчининг мақсадига кўра, соф сўроқ гапларга ва риторик сўроқ гапларга ажратади¹⁴.

Бизнинг фикримизча, интеррогатив гапларни бундай турларга ажратиб ўрганиш уларнинг грамматик ва лексик жиҳатларини ўрганишда ҳам аниқлик ва мазмундорликни касб этади. Чунки соф ва риторик сўроқ гаплар морфологик, лексик ва айниқса, фонетик оҳанг жиҳатидан бутунлай фарқ қилган ҳолда тил ўрганувчи учун аниқлик параметрларини яратиш беради:

1. Сўроқ юкламалари (-чи, -ми, -а, -я) асосида ҳосил бўлувчи сўроқ гаплар.

Ўша одамларни ҳозир кўрсангиз танийсизми? (Ў. Ҳошимов. «Тушда кечган умрлар», 107).

¹¹ Rodney Huddleston, Geoffrey K. Pullum. The Cambridge Grammar of the English Language. – Cambridge University Press, 2002. – P. 856- 866.

¹² Угарова Е.В. Вопросительные предложения английского языка. – М: Айрис Пресс, 2011. – С. 9.

¹³ Блох М.Я. Теоретическая грамматика английского языка.– М: Высшая школа, 1983. – 253 с.

¹⁴ Бўронов Ж., Ҳошимов Ў., Исмаилов Х. Инглиз тили грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – 294 б.

2. Сўроқ олмошлари (ким, нима, қачон, қаерда ва бқ.) ёрдамида ҳосил бўлувчи сўроқ гаплар.

Шошманг, ичкарида ким бор экан? (Ў. Ҳошимов. «Тушда кечган умрлар», 108).

3. Сўроқ оҳанги ёрдамида ҳосил бўлувчи сўроқ гаплар. Сўроқ оҳанги сўроқ ифодаланишининг универсал воситасидир. У сўроқ гапларнинг ҳамма турида иштирок этади. Лекин сўроқ ифодаловчи махсус шаклий воситалар ишлатилмаганда, оҳанг асосий сўроқ ифодаловчи восита ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Ўзбек ва инглиз тилларида интеррогативларнинг лингвистик хусусиятлари**» деб номланган иккинчи бобида ўзбек ва инглиз тилларида интеррогативларнинг прагматик, морфологик, лексик ва грамматик хусусиятлари чоғиштирма таҳлил асосида тадқиқ қилинган.

А. Шомахмудованинг таъкидлашича, мулоқот жараёнида нутқий тузилмаларнинг ифодаланиши кўп ҳолларда сўроқ тузилмалар орқали амалга оширилади. Бундай ҳолларда сўроқ ўзининг асл вазифаси, яъни ахборот олиш эҳтиёжи функциясидан чекинган ҳолда, тингловчини ҳаракатга ундаш вазифасини намоён этади. Ш. Сафаровнинг фикрига кўра, «нутқ актининг умумий таърифини қуйидагича тасаввур қилиш мумкин, яъни нутқий акт сўзловчининг муҳим муҳитда, аниқ мақсадда тингловчига лисоний мурожаатидир»¹⁵. «Иллокуция» тушунчаси нутқий акт назариясида энг кенг тарқалган тушунчадир. Иллокутивлик замирида пайдо бўлувчи билвосита ва бевосита нутқ актлари Ж. Остин, Ж. Сёрль, Ф. Реканати, Э. Трауготлар томонидан турли гуруҳларга ажратиб таснифланади.

Тадқиқотда Ж. Сёрлнинг нутқ актлари таснифи (директивлар, ассертивлар, комиссивлар, декларативлар ва экспрессивлар)¹⁶ бирмунча тизимли амалга оширилгани туфайли, ушбу тасниф асосида ўзбек ва инглиз тилларда интеррогатив конструкцияларининг нутқ акти вазифасини бажариш имконияти таҳлилга тортилди.

Ушбу бўлимда ўзбек ва инглиз тиллари сўзлашув нутқида ва бадий матнларда интеррогатив гапларни нутқ актининг локутив ва иллокутив хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилишни лозим топдик.

Ўзбек ва инглиз тилларида айнан интеррогативли конструкцияларнинг маълум мулоқот шароит тили ва бадий тилида қуйидаги директив нутқ актлари вазифасини бажариши аниқланди: йўл-йўриқ сўраш, ундаш, маслаҳат, таклиф, илтимос, талаб қилиш.

Ундаш: *Ундан кўра иш қидириб келсанг бўларди?* (Т. Драйзер. “Бахтиқаро Кэрри” . 330- Б)

Why don't you get out and look for work? (Т. Dreiser. “Sister Carrie”. p-345)

Маслаҳат: *Агар мени бу ердан бошқа жойга ўтказишса нима қиламан?* (Э. Хэмингуэй. “Алвидо қурол”. 111-Б)

What would I do if they sent me away?(E. Hemingway. “Farewell to Arms”. p -75)

¹⁵ Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: 2008. – 82-б.

¹⁶ John R. Searle. Vanderveken D. Foundations of Illocutionary logic. – Great Britain: CUP, 1985. – P. 179-211.

Таҳлил натижаларига кўра, илтимос, маслаҳат, йўл-йўриқ, ундаш, мазмунидаги директив нутқ актини ифодалашда фақат эргаш гап орқали ва эксплицит ифодаланиш инглиз тилига хос хусусият бўлса, бош+эргаш гап шаклида имплицит ва эксплицит ифодаланиши ўзбек тилига хос хусусиятдир. Таклиф ва талаб мазмунидаги директив нутқ актларининг эксплицит тарзда ифодаланиши ҳар иккала ўзбек ва инглиз тили учун хусусий жиҳат саналади.

Ўрганилаётган тилларда интеррогативлик формаси вербал восита сифатида маълум мулоқот муҳитида экспрессив нутқ актларининг орзу қилмоқ, қоймоқ, жаҳл қилмоқ, қайғурмоқ, эътироз билдирмоқ мазмунидаги перформатив нутқ актлари аниқланди. Масалан:

Қайғуриш: *Эҳ, нега мунча куйиб пишасан-а, ахир ҳали ерпарчин бўлганимизча йўқ-ку?* (Т. Драйзер. Бахтиқаро Кэрри.305-Б)

What's the use worrying? (Т. Dreiser. "Sister Carrie" p-32)

Эътироз: *Уйда янги кийимда юришининг нима ҳожати бор-а? Герствед савол берди.* (Т. Драйзер. Бахтиқаро Кэрри.328-Б)

What's the use wearing good ones around here? he asked. (Т. Dreiser. "Sister Carrie". P-343)

Ифода тарзи ва шаклига кўра, таҳлилга тортилган мисолларда аксарият экспрессив нутқ қиёсланаётган тилларда эксплицит ҳолда синтактик бирлик сифатида ўз ифодасини топиши ўхшаш хусусият сифатида аниқланди.

Берилган мисолларда эътироз ва қайғуриш экспрессив нутқ актларининг инглиз тилидаги эксплицит тарздаги ифодаси ўхшаш бўлсада, ўзбек тилида -а, -ку юкламаларининг сўзга бирикиб келиши каби ташқи воситалар ушбу экспрессив нутқ актларида иллокутивликни кучлироқ ифодалаш учун ўз хиссасини қўшмоқда.

Кузатувларимиз натижасида, интеррогатив гапларнинг коммуникатив функционал таснифи нуқтаи назаридан ҳам нутқ жараёнида номаълум воқеа-ҳодиса ҳақида аниқ маълумот олиш учун тузиладиган сўроқ гаплар ва сўзловчи савол бериши билан бирга, бошқа мақсадни ифодалашда муҳим аҳамиятга эга эканлигига гувоҳ бўлдик.

Ушбу бобда интеррогативликнинг лексик ва грамматик хусусиятлари ўрганилиб, уларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари ҳам тадқиқ этилган.

Ўзбек ва инглиз тилларида сўроқ гаплар бошқа гап турларидан фарқли ҳолда турли восита ва белгилар орқали ҳосил қилинади. Ўзбек тилида сўроқ гаплар шаклий парадигмасига асосан:

1. Сўроқ юкламалари: **-ми, -чи, -а,-я.**

2. Сўроқ олмошлари: **ким? нима? қаер? қачон? нега?** ва б.қ.

3. Сўроқ оҳанги орқали ясалади.

Ўзбек тилида соф сўроқ гаплар, асосан, сўроқ юкламалари ва сўроқ олмошлари грамматик вербализацияси орқали ташкил топади, бунда асосий вербал восита сифатида сўроқ юкламалари ва сўроқ олмошлари хизмат қилади ва гапда ўз оҳангига эга бўлади.

Ўзбек тилида **-а -я, -да, -ку, нахотки** каби сўроқ юкламалари ёрдамида сўроқ тусини олган гапларда сўроқ оҳангининг роли катта, **-ми, -чи**

юкламаларида эса оҳанг у қадар кучли бўлмайди. Юкламалар ёрдамида ясаладиган сўроқ гаплар сўзловчи учун номаълум бўлмайди. Ушбу сўроқ гаплар орқали сўзловчи тингловчи томонидан фикрини тасдиқлаш ёки инкор қилишини билиб олишни мақсад қилади. Бундай сўроқ гапларга кўпинча, *ҳа, йўқ* сўзлари ёки шу сўроқ гаптаги сўроқни билдирган сўзнинг ўзи билан жавоб қайтарилади¹⁷.

Инглиз тилида умумий сўроқ гаплар қисман баланд оҳанг билан узилади. Ушбу сўроқ турини ҳосил қилишда: **to be, to have, to do, can/may/must** каби ёрдамчи, кўмакчи ва модал феъллардан фойдаланилади. Сўроқ гапнинг юкламалар билан ясалиш ҳолати инглиз тилида умумий сўроқ гап турига мазмун жиҳатидан айнан ўхшаш бўлса-да, сўз тартиби жиҳатидан бутунлай фарқ қилади, масалан:

1. – *Виски ичасизми?*

– *Менга сут ичиш мумкин (Ирвин Шоу. «Тунги дарбон», 46).*

2. – *Can I buy a drink?*

– *No, I'll drink a milk (Irwin Show. “Night guird”, 28).*

Берилган мисолларда ўзбек тилида 1-2-сўроқ гапларидаги **-ми** юкламаси гап мазмунига интеррогативлик тусини беради. Мисоллардан кўриниб турибдики, юклама феълга кўшилиб, гапнинг охирида, баъзан ўртасида иштирок этиши мумкин

Ўзбек тилида умумий сўроқ гап тузишда юкламалар феълга кўшилиб, сўз тартибининг жойлашиш ўрни турғун бўлмаслиги мумкин. Инглиз тилида эса *ҳа* ёки *йўқ* жавобини талаб қилувчи умумий сўроқ гап тузишда вербал воситалар вазифасида ишлатилувчи ёрдамчи ва модал феълларнинг гап таркибидаги ўрни барқарордир.

Диссертациянинг «**Ўзбек ва инглиз тилларида интеррогатив гапларнинг синтактик ва семантик ифодаси**» деб номланган учинчи бобида ўзбек ва инглиз тилларида интеррогативликни ифода этувчи вербал воситалар сифатида сўроқ олмошларининг гап таркибида иштирок этувчи бошқа компонентлар билан алоқалари юнкцион ва компонент моделлар асосида синтактик таҳлил қилинган, шунингдек, уларнинг ўзаро муносабатлари атрофлича ёритилган.

